

ТОШКЕНТ ШАҲАР СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА
СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ
А Ж Р И М И

2022 йил 13 сентябрь Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанцияси, суд биносида видеоконференц алоқа режимида, очиқ суд мажлисида,

Раислик қилувчи судья: М.Ахмедов,

Ҳайъат судьялари: Д.Дадаханова ва Т.Турсуновдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчилари Ш.Косимов, С.Инатовларнинг котиблигида, тарафлардан Тошкент шаҳар прокуратурасининг бўлим прокурори С.Хасанбаев, С.Акилов, судланган Ғ.Махмудов ва унинг ҳимоячиси адвокат Ҳ.Каёмов, жабрланувчи-фуқаровий даъвогар З.Абдузоиров, А.Қодиров ва уларнинг ҳимоячиси адвокат О.Рузметовларнинг иштирокида, Ғ.Махмудовга оид 1-1008-2102/12-сонли жиноят ишини адвокат Ҳ.Каёмов томонидан келтирилган апелляция шикоят асосида жиноят ишини апелляция тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Олмазор туман судининг 2021 йил 19 мартдаги ҳукмига кўра,

Махмудов Ғайрат Самандарович (Махмудов Ғ'аурат Самандарович), 1965 йил 20 декабрь куни Сурхондарё вилоятида туғилган, миллати тожик, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-маҳсус, вақтинча ишсиз, оилали, беш нафар фарзандлари бор, муқаддам судланган: жиноят ишлари бўйича Яшнобод (Ҳамза) туман судининг 2010 йил 13 сентябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 28,246-моддасининг 2-қисми, 273-моддасининг 5-қисми ва 25,273-моддасининг 5-қисми билан айбли деб топилиб, ЖКнинг 59-моддаси тартибида 17 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Оҳангарон туман судининг 2015 йил 6 ноябрдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 74-моддасига асосан ўталмай қолган 5 йил 7 ой 3 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси шу муддатга иш ҳақининг 25 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Олмазор туман судининг 2017 йил 12 октябрдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддасига асосан ўталмай қолган 2 йил 9 ой 10 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосидани муддатидан



илгари шартли равишда озод қилинган, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Қора-қамиш 2/4 даҳаси, 37-уй, 43-хонадонда истиқомат қилувчи, иш бўйича “шахсий кафиллик” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини ўз вақтида олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК (2001 йилдаги таҳрир) 168-моддаси 2-қисмининг “б” бандида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбли деб топилиб, Ўзбекистон Республикаси ЖК 64-моддаси 1-қисмининг “б” банди ва ЖПКнинг 463-моддаси 3-қисмининг 2-бандига асосан жавобгарликдан озод қилинган.

Манфаатдор томонларга Тошкент шаҳар Олмазор тумани Қора-қамиш 2/5 даҳаси, 16-уй, 68-хонадон бўйича 2005 йил 5 августда нотариал тасдиқланган олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш ва эгалик ҳуқуқини белгилаш бўйича фуқаролик суд иш юритуви тартибида мурожаат қилиш ҳуқуқи мавжудлиги тушунтирилиб, Ғ.Махмудовдан фуқаровий даъвогар А.Қодиров фойдасига 3.500 АҚШ доллари ундириш белгиланган.

Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2021 йил 11 майдаги ажримига кўра, жиноят ишлари бўйича Олмазор туман судининг 2021 йил 19 мартдаги ҳукми ўзгаришсиз қолдирилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг 2021 йил 27 октябрдаги ажримига кўра, жиноят ишлари бўйича Олмазор туман судининг 2021 йил 19 мартдаги ҳукми ва Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2021 йил 11 майдаги ажрими ўзгаришсиз қолдирилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати такроран кассация инстанциясининг 2022 йил 13 майдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг 2021 йил 27 октябрдаги ажрими ва Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2021 йил 11 майдаги ажрими бекор қилиниб, жиноят иши янгидан апелляция тартибида кўриш учун юборилган.

Суднинг ҳукмига кўра, Ғ.Махмудов ўзганинг мулкани фирибгарлик йўли билан қўлга киритиш мақсадида 2005 йил 5 август куни жияни З.Абдузоиров Тошкент шаҳар Олмазор тумани Қора-қамиш 2/5 даҳаси, 16-уй,

68-хонадонини, Е.Каличкодан 4.300 АҚШ долларига сотиб олаётганлигини билиб, З.Абдузоировни Тошкент шаҳрида доимий пропискаси йўқлигидан фойдаланиб, мазкур хонадонни ўзини номига нотариал тартибда расмийлаштириб олишга эришиб, кейинчалик эса ушбу хонадонни З.Абдузоировга қайтариб расмийлаштириб беришдан бош тортган.

Бундан ташқари Ғ.Махмудов 2005 йил 5 август куни А.Қодировни Россия Федерациясида ишлаётганлигини билиб, ундан пул маблағларини юборишини ва ушбу пул маблағларини у А.Қодировнинг Ўзбекистон



Республикасига қайтиб келганидан сўнг қайтариб бериши маълум қилиб, ўзининг “NBU” банкдаги 20206840010117258001-сонли ҳисоб рақамига 3.500 АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағларини, А.Қодировдан халқаро пул ўтказмалари орқали такроран алдов йўли билан юборилишига эришиб, қўлга киритилган 3.500 АҚШ долларини ўзининг эҳтиёжларига сарфлаб юборган.

Адвокат Ҳ.Каемов апелляция шикоятда, Ғ.Махмудовнинг ҳаракатларида жиноят аломатлари йўқлиги сабабли биринчи инстанция судининг ҳукмини бекор қилиб, жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖПК 83-моддасининг 2-бандига асосан реабилитация қилишни сўраган.

Апелляция инстанцияси судья М.Ахмедовнинг маърузасини, прокурор С.Акиловнинг суднинг ҳукмини ўзгаришсиз қолдиришни сўраб берган хулосасини, судланган Ғ.Махмудов ва унинг ҳимоячиси Ҳ.Каемовларнинг апелляция шикоятини қувватлаб, оқлов ҳукми чиқаришини, жабрланувчи-фуқаровий даъвогар З.Абдузоиров, А.Қодиров ва уларнинг ҳимоячиси адвокат О.Рузметовларни суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдиришни сўраб берган фикрларини тинглаб, апелляция шикоятда келтирилган важларни жиноят иши ҳужжатлари асосида текшириб, қуйидагиларга кўра, суд ҳукмини ўзгартиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22-моддасида, суд жиноят юз берганлиги, унинг содир этилишида ким айбдорлиги, шунингдек у билан боғлиқ барча ҳолатларни аниқлаши шартлиги, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши, ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олиниши лозимлиги;

23-моддасида, айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозимлиги, қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши;

112-моддасида, айбланувчининг ўз айбига иқдор бўлиши, бу иқдор бўлиш мавжуд далиллар мажмуи билан тасдиқланган тақдирдагина, уни айблаш учун асос қилиб олиниши, айбланувчининг берган кўрсатувлари билан аниқланган ҳолатлар, айбланувчи ўз айбига иқдор бўлган тақдирда ҳам, ўзининг айбдор эканлигини инкор қилган тақдирда ҳам ишнинг ҳамма ҳолатлари билан боғланган ҳолда бошқа далиллар каби текшириб чиқилиши ва баҳоланиши;

463-моддасида, айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши, айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-кўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршилиқларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олиниши лозимлиги;



467-моддасида, ҳукмда суднинг ҳар бир судланувчига нисбатан хулосаларига асос бўлган далиллар ва суднинг бошқа далилларни рад этиш сабаблари ёзилиши лозимлиги белгиланган.

Жиноят иши юзасидан Ғ.Махмудовни Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан айбли деб топишда биринчи инстанция суди, иш бўйича дастлабки тергов даврида тўпланган ҳужжатлар, яъни жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва гувоҳларнинг берган кўрсатмалари билан, миллий банк маълумотномаси билан, жабрланувчининг аризаси, тилхат, юзлаштириш баённомалари, дастлабки тушунтириш хатларини асос қилиб олган ҳолда Ғ.Махмудовнинг айби тўлиқ тасдиқланганлиги ҳақида иш ҳолатларини тўлиқ текширмасдан, мавжуд далилларга ва иш ҳолатларига етарлича баҳо бермасдан барвақт хулосага келган.

Биринчи инстанция суди мазкур жиноят ишини кўришда иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатларни синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқмагани, иш бўйича сўроқ қилинган судланувчилар ва гувоҳларнинг, шунингдек, мазкур жиноят иши юзасидан текширув ўтказган мутахассисларнинг кўрсатмалари ҳамда дастлабки тергов давомида тўпланган ҳужжатларга етарли даражада баҳо бермай, иш ҳолатларини тўғри аниқламай, тахминларга асосан айблов ҳукми чиқарган кўринади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 408-моддасида “Суд ишнинг барча ҳолатларини синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириши ҳамда ҳақиқатни аниқлаш учун ушбу Кодексда назарда тутилган барча чораларни кўриши лозим”лиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2021 йил 20 апрелдаги “Судлар томонидан жиноят ишларини апелляция тартибида кўриш амалиёти тўғрисида”ги 13-сонли Қарорини 15-бандида “Агар биринчи инстанция суди томонидан суд терговининг тўлиқ эмаслигига ёки бир ёқламалигига ёхуд процессуал бузилишларга йўл қўйилган бўлса, апелляция инстанцияси суди тўлиқ ёки қисман суд терговини ўтказиш йўли билан бўшлиқларнинг ўрнини тўлдириш, процессуал бузилишларни бартараф этиш чораларини кўради. Шу мақсадда апелляция инстанцияси суди иш ҳолатлари тўла, ҳар томонлама ва холисона текшириб чиқилишини таъминлаш учун зарур бўлган, ЖПК 497²⁵-моддаси учинчи қисми 1-7-бандларида назарда тутилган ҳаракатларни бажаришга ҳақли” деб тушунтириш берилган.

Апелляция инстанцияси судида сўралган судланувчи Ғ.Махмудов ҳақиқатан ҳам газетадаги эълондан Олмазор тумани Қора-қамиш 2/5 даҳаси, 16-уй, 68-хонадонни сотилиши ҳақидаги эълонни ўқиб, уй сотувчи Е.Каличко билан 4.500 АҚШ доллари деб турган уйни 4.350 АҚШ долларига сотиб олишга келишишганлигини, шу сабабли у Е.Каличкога 100 АҚШ доллари бўнак (закалат) берганлигини, шундан кейин олди-сотди шартномаси расмийлаштирилганлигини, жияни З.Абдузоиров ўша вақтда уй олди-берди ва Е.Каличко билан келишув жараёнларни барчасида иштирок этганлигини, чунки З.Абдузоиров уни уйда яшаб келганлиги учун доимо



кўчада у билан бирга юрганлигини, уйни расмийлаштиришда ҳам З.Абдузоиров у билан бирга борганлигини, 68-хонадондаги уйда З.Абдузоиров оиласи билан бирга яшаганлигини, 2017 йил 28 июнь куни ижара шартномасига қўшимча келишув тузиб, уйга З.Абдузоировнинг оила аъзоларини вақтинча рўйхатга қўйдирганлигини, 2005 йил 5 август куни А.Қодировни Россиядан юборган 3.500 АҚШ долларини олганлигини, бу пулларини ким юборганидан хабари йўқлигини, банкка З.Абдузоиров билан бориб, ўзининг паспортини бериб, ҳужжатларга имзо қўйганлигини, 3.500 АҚШ долларини Россия Федерациясидан кимнинг номидан келганини билмаслигини, банкда унга “сизни номингизга Россиядан пул келган” деб айтишганлигини, аммо кимнинг номидан келганини айтишмаганлигини, жиноят ишидаги банкдаги маълумотда ҳам у имзо қўйиб олган 3.500 АҚШ долларини ким жўнатганлиги кўрсатилмаганлигини, уйни тўловларини З.Абдузаиров тўлаб келганлигини айтиб кўрсатув берди.

Апелляция инстанцияси судида сўралган жабрланувчи З.Абдузоиров ҳақиқтан ҳам Россия давлати ишлаб келган пулларига Тошкент шаҳридан уй олиш мақсадида 2005 йил август ойининг бошида кўчаларда бетон устунларга ёпиштирилган уй сотилиши ҳақидаги эълонлардан Олмазор тумани Қора-қамиш 2/5 даҳаси, 16-уй, 68-хонадонни танлаганлигини, ушбу сотиб олинаётган уйни ҳоласини ўғли Б.Мирзакуловни номига олмоқчи бўлганлигини, бироқ тоғаси Ғ.Махмудов унга “уйни Б.Мирзакуловни номига олсанг, сизларни чув туширади, уйдан айриласиз ва сизларга уйингни бермайди” деб, уйни уни номига расмийлаштиришга ундаганлигини, Олмазор туманидаги 68-хонадонни уй эгаси билан 4.300 АҚШ долларига сотиб олишга савдолашганлигини ва Е.Каличкога 100 АҚШ доллари бўнак (закалат) берганлигини, олди-сотди шартномаси расмийлаштиришдан олдин Е.Каличкога қолган 4.200 АҚШ долларини берганлигини, сўнг оиласи билан сотиб олган уйига кўчиб келганлигини, кадастр ҳужжатлари ўзида бўлганлигини, болалари мактабига кераклиги учун уйда вақтинчалик рўйхатга қўйиш учун ижара шартномаси расмийлаштиришганлигини, Ғ.Махмудов келиб уйни ҳужжатларини сўраганида уйни ҳужжатларини бермаслигини айтганлигини, шунда тоғаси Ғ.Махмудов кадастр ҳужжатлари йўқолди деб дубликат олганлигини, Ғ.Махмудов унинг уйига эгалик қилишни аввалдан мақсад қилган деб ҳисоблашини, чунки у ҳоласини ўғли номига уйни олмоқчи бўлган вақтида тоғаси Ғ.Махмудов уни қайтариб, уйни айнан уни номига олишга ундаганлигини, шу тариқа уйига эгалик қилмоқчи бўлганлигини ва ҳозирга қадар қайтариб бермаётганлигини айтиб кўрсатув берди.

Апелляция инстанцияси судида сўралган фуқаровий даъвогар А.Қодиров ҳақиқатан ҳам ўғли З.Абдузоиров Тошкент шаҳрида доимий пропискаси бўлмаганлиги сабабли ҳоласининг ўғли Б.Мирзакуловнинг номига уйни сотиб олмоқчи бўлган вақтида Ғ.Махмудов “уйни мени номимга ол” деб ундаганлигини, шундан сўнг ўғли З.Абдузоиров уй учун Е.Каличкога

4.300 АҚШ доллари бериб, уйни нотариал тартибда Ғ.Махмудовни номига



расмийлаштирганлигини, шу орада Ғ.Махмудов камалиб қолганлигини, камоқдан чиққандан сўнг ўғлига уйдан чиқиб кетишини талаб қилганлигини, 2005 йилда Ғ.Махмудов “мевалар олиб келаман” деб, ундан 3.500 АҚШ доллари сўраганлигини, у Ғ.Махмудовга ишониб, банк орқали Ғ.Махмудовга 3.500 АҚШ доллари юборганлигини, Ғ.Махмудов барча пулларни ўзи олган бўлса-да, кейинчалик пулни олганини инкор қила бошлаганлигини, шундан сўнг у банк орқали юборилган пуллар текшириб аниқлангандан сўнг Ғ.Махмудов у юборган пулларни тан олганлигини, Ғ.Махмудов уни алдаб, 3.500 АҚШ долларини кўлга киритганлигини айтиб кўрсатув берди.

Апелляция инстанцияси судида сўралган гувоҳ У.Усенов ҳақиқатан ҳам у маҳалла раиси бўлиб ишлаганлигини, маҳалладаги ҳаммани танишлигини, Ғ.Махмудов билан кўчада кўришиб қолганлигини, у билан гаплашиб З.Абдузоиров билан ўрталарида нима можаро бўлганлигини сўраганида, у уй-жой олди-сотдиси тўғрисида гапирганлигини, шу билан гапдан-гап чиқиб, унга унақа қилмасликларини, улар тоға-жиян эканликларини айтганлигини, Ғ.Махмудов 5.000 АҚШ долларини қайтариб берса, уйни олди-сотди қилиб беришини айтганлигини, кейин у шу гапларни З.Абдузоировга айтганида, З.Абдузоиров “мен уйни икки марта сотиб оламанми” деганлигини, шундан кейин гаплашмаганлигини, Е.Каличкони ҳозирда эслай олмаслигини, у бир марта ушбу уйга участка нозири билан кирганлигини, З.Абдузоиров уй тоғаси Ғ.Махмудовни номига сотиб олинган деганлигини, лекин З.Абдузоировлар ушбу хонадонда яшаганлигини айтиб кўрсатув берди.

Апелляция инстанцияси судида сўралган гувоҳ Ш.Ақромхўжаев ҳақиқатан ҳам З.Абдузоировни 2005 йилдан бери танишлигини, Ғ.Махмудовни эса 2015-2016 йиллардан бери танишини, унинг отаси ўзининг номида бўлган уйни унинг номига ўтказмоқчи бўлганлиги учун нотариусга борганлигини, шунда З.Абдузоировни нотариусда кўриб қолиб, “бу ерда нима қияпсиз” деб сўраганлигини, у уларни уйни эгаси деб билганлигини, З.Абдузоиров “Ғ.Махмудов тоғам бўладилар, уй тоғамни номига расмий равишда ўтказилган, пулни мен тўлаганман” деганлигини, Ғ.Махмудов бу гапни тасдиқлаганлигини, у олдин Ғ.Махмудовни исми шарифини билмаганлигини айтиб кўрсатув берди.

Апелляция инстанцияси судида сўралган гувоҳ Б.Мирзакулов ҳақиқатан ҳам З.Абдузоиров унинг холаваччаси бўлишлигини, 2005 йил уй олиш учун келганлигини, у ўша вақтда Қора-қамишда яшаганлигини, З.Абдузоиров уйни уни номига олмоқчи бўлганлигини, чунки З.Абдузоировнинг Тошкент шаҳрида доимий рўйхати бўлмаганлигини, у рози бўлганлигини, ишдан бўш пайтлари З.Абдузоиров билан бирга чиқиб эълонларни қарашганлигини, шундан кейин унинг отаси оламдан ўтиб қолганлиги сабабли Сурхондарё вилоятига кетиб қолганлигини, Тошкентга қайтиб келганида, З.Абдузоиров тоғаси Ғ.Махмудов “Ботир сени алдаб кетади, мени номимга олавергин уйни дегани учун тоғамни номига олдим” деганлигини, у “олган бўлсанг бўлди менга қизиғи йўқ” деганлигини, улар уйни бир йил қидиришганлигини, З.Абдузоиров уй олишлигини айтгани учун яқин атрофдан Қора-Қамиш



3/2 даҳасидан қидиришганлигини айтиб кўрсатув берди.

Апелляция инстанцияси судида сўралган гувоҳ М.Насирова ҳақиқатан ҳам Олмазор тумани, Қора-қамиш 2/5 даҳаси, 16-уй, 68-хонадон 2005 йилда сотиб олинганлигини, улар бу кўп қаватли уйга 1999 йил кўчиб келишганлигини, 2005 йилдан олдин ушбу хонадон бўш турганлигини, ҳеч ким яшамаганлигини, Ғ.Махмудовни танимаслигини, аввалари кўрмаганлигини, ушбу хонадонда З.Абдузоировлар яшаганлигини, ушбу хонадоннинг олди-сотдисида қатнашмаганлигини айтиб кўрсатув берди.

Апелляция инстанцияси судида сўралган гувоҳ Н.Нарзуллаева ҳақиқатан ҳам мазкур жиноят ишидан хабари борлигини, Ғ.Махмудов ҳақиқатдан уй олганлигини, уй учун пулларни Ғ.Махмудов берганлигини, З.Абдузоиров Ғ.Махмудовдан 4000 АҚШ доллари пул ундириб олганлигини, уйни сотиб олиши давомида у иштирок этганлигини, уй сотиб олиш учун Ғ.Махмудов билан бирга уйни қидиришганлигини, уйни газетада берилган эълон орқали топишганлигини, топган уйни эгаси рус аёл бўлганлигини, З.Абдузоировни ушбу уйга умуман алоқаси йўқлигини, у ва Ғ.Махмудов бирга яшаши учун бошқа уйлари бўлганлиги учун ушбу уйда З.Абдузоиров ижарачи сифатида яшаб келганлигини, Ғ.Махмудов берган пулларни А.Кодировнинг қўлига беришганлигини айтиб кўрсатув берди.

Апелляция инстанцияси судида сўралган гувоҳ Ш.Сафарова ҳақиқатан ҳам у Ғ.Махмудовни 2003 йилдан бери танишлигини, ўша пайтда Ғ.Махмудов ва унинг аёли Н.Нарзуллаева “Биз билан бирга юринг З.Абдузоиров пул жўнатади, унга уй қидирамиз, бирга кўрамиз” деганлигини, битта уй кўришганлигини, у ўзи учун борганлигини, чунки улар ҳам уй қидираётган бўлганлигини, қизиқиб улар билан бирга борганлигини, бир марта борганлигини, Қора-қамиш 2/3 даҳасидаги бошқа уйни кўришганлигини, у умуман нотариусга бормаганлигини, уларнинг пул олди-бердисида иштирок этмаганлигини, уй учун ким пул берганлигини билмаслигини айтиб кўрсатув берди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 11 октябрдаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 35-сонли Қарорининг 3-бандида, фирибгарлик ўзганинг мулкни ёки мулкка бўлган ҳуқуқини алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қонунга ҳилоф равишда ва текин қўлга киритишда ифодаланиб, бунинг таъсирида мулкдор (унинг вакили), мулкнинг бошқа эгаси ёки ваколатли орган мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга беради, ёинки ушбу мулк ёки унга бўлган ҳуқуқ бошқа шахс томонидан олиб қўйилишига имконият бериши,

4-бандида, фирибгарликда алдаш деганда, айбдор томонидан, била туриб, ҳақиқатга тўғри келмайдиган ёлғон маълумотлар хабар қилиниши ёки иш ҳолати бўйича мулкдор, мулкнинг бошқа эгасига маълум қилиниши лозим бўлган ҳақиқий фактларни яшириш ёхуд бундай шахсларни янглиштиришга қаратилган қасддан содир этилган ҳаракатлар тушунилиши, фирибгарликда ёлғон маълумотларга жабрланувчини янглиштиришга олиб келиши мумкин



бўлган ҳар қандай ҳолатлар, жумладан, юридик факт ва воқеалар, мулкнинг сифати, нархи, айбдорнинг шахси, унинг ваколати, нияти (масалан, айбдор шахс ўзини мансабдор шахс ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходими сифатида кўрсатиши) тааллуқли бўлиши, 8-бандида, агар шахс ўзганинг мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни мазкур мулк ёки ҳуқуқ унга берилиши шарти билан боғлиқ мажбуриятларни бажармаслик ниятида олган ёки эгаллаган бўлса, қилмиш айбдорда ўзганинг мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни қўлга киритишга нисбатан қасд фақат ўзганинг мулки ёки унга бўлган ҳуқуқ қўлга киритилгунга қадар пайдо бўлган ҳолдагина фирибгарлик сифатида квалификация қилиниши ҳақида тушунтириш берилган.

Бироқ, биринчи инстанция суди қайд этилган Қонун талаби ва Пленум тушунтиришларига риоя қилмасдан, жиноятнинг объекти ҳисобланган низоли уй-жой, яъни Олмазор тумани, Қора-қамиш 2/5 даҳаси, 16-уй, 68-хонадонни сотиб олинишида Ғ.Махмудов жабрланувчи З.Абдузоировни нима деб алдагани, айнан қайси ҳаракати билан жабрланувчини янглиштириб, ишонтирган ҳолда унинг ишончини суиистеъмол қилгани, бу ўринда алдовнинг ўзи нимадан иборатлигини аниқламаган.

Жиноят иши ҳужжатлари ва апелляция инстанция судида аниқланган ҳолатларга кўра, З.Абдузоиров 2005 йилнинг август ойида А.Здобнияковга тегишли Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Қора-қамиш 2/5 даҳаси, 16-уй, 68-хонадонни сотиб олиш истагида бўлиб, бироқ, уни Тошкент шаҳрида доимий рўйхати бўлмайд, ўз номига уй сотиб олиш имкони йўқлиги сабабли ўз қариндоши, яъни тоғаси Ғ.Махмудовнинг Тошкент шаҳрида доимий рўйхати бўлгани сабабли, уйни сотиб олиб, расмиятчилик учун уйни Ғ.Махмудовнинг номига расмиёлаштириб, уйда ўз оиласи билан яшаб келиб, Тошкент шаҳрига доимий рўйхатга тургандан сўнг уйни ўз номига расмиёлаштириб олиш юзасидан ўзаро оғзаки келишув қилганликларини, 2005 йил 5 август куни Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, М.Таробий кўчаси, 18-уйда жойлашган нотариал идорасида А.Здобнияковнинг ишончли вакили Е.Каличко ва Ғ.Махмудовлар ўртасида олди-сотди шартномаси расмиёлаштирилиб, З.Абдузоиров ўзининг пул маблағларига юқоридаги хонадонни сотиб олиб, ҳозирги кунга қадар ўз оиласи билан истиқомат қилиб келаётганини кўриш мумкин.

Бундан ташқари, Ғ.Махмудов ўзига тегишли Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Қора-қамиш 2/5 даҳаси, 16-уй, 68-хонадонни Ғ.Махмудов ва З.Абдузоировлар ўртасида тузилган Олмазор туман 1-сон давлат нотариал идораси нотариуси томонидан 2015 йил 16 декабрь куни тасдиқланган реестрда 3-2212-сон билан қайд этилган ижара шартномасига асосан ҳақ тўлаш шарти билан 2018 йил 16 декабрда З.Абдузоировга ижарага берган.

Олмазор туман 11-сон давлат нотариал идораси нотариуси томонидан 2017 йил 28 июнь куни тасдиқланган реестрда 1-5977-сон билан қайд этилган келишувга асосан 2015 йил 16 декабрдаги ижара шартномасининг 5-бандига кўшимча киритириб, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Қора-қамиш 2/5 даҳаси, 16-уй, 68-хонадонни ижарага олувчи М.Хамрокулова, С.Абдузоиров, М.Абдузоирова ва С.Абдузоировлар билан бирга яшашига



розилик берилган.

Бироқ, Ғ.Махмудов жабрланувчи З.Абдузоиров билан 2005 йилнинг август ойида тузилган оғзаки шаклдаги битимга асосланган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган мажбуриятларни бузиб, кўрсатилган хонадонга эгалик ҳуқуқини ўрнатиш мақсадида, уйнинг кадастр ҳужжатлари З.Абдузоировда эканлигини аниқ билгани ҳолда гўёки кадастр ҳужжатлари йўқотилганини важ қилиб, бу ҳақда “Ташкентская неделя” газетасига эълон бериб, Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри Давлат корхонаси Олмазор филиалидан кадастр ҳужжатларини дубликат нусхасини олишга эришган.

Фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтоҳур туманлараро судининг 2018 йил 12 апрелдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъвогар А.Қодировнинг жавобгар Ғ.Махмудов ва Тошкент шаҳар нотариал идорага нисбатан олди сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги даъво аризаси рад этилган.

Фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтоҳур туманлараро судининг 2018 йил 16 ноябрдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъвогар Ғ.Махмудовнинг жавобгар З.Абдузоировга нисбатан ижара шартномаси ва унга кўшимча келишувчини бекор қилиш, ижара ҳақини ундириш, турар жойдан мажбурий кўчириш ҳақидаги даъво аризаси қаноатлантирилган.

Жиноят иши ҳужжатлари ва апелляция инстанция судида аниқланган ҳолатларга кўра, А.Каличко ишончнома асосида А.Здобняковга тегишли бўлган Тошкент шаҳар, Олмазор (С.Раҳимов) тумани, Қора-қамиш 2/5 даҳаси, 16-уй, 68-хонадонни 2005 йил август ойида З.Абдузоиров билан савдолашиб, 4.300 АҚШ долларига сотганлигини, З.Абдузоировни илтимосига кўра, хонадонни Ғ.Махмудовнинг номига нотариал тарзда олди-сотди шартномаси орқали расмийлаштириб берганлигини, хонадонни сотиш юзасидан у фақат З.Абдузоиров билан гаплашгани ва уй учун пулларни айнан З.Абдузоировдан олганлиги, уй олди-сотдиси юзасидан бошқа шахслар билан гаплашмаганини кўриш мумкин.

Юқоридаги ҳолатлар, Тошкент шаҳар, Олмазор (С.Раҳимов) тумани, Қора-қамиш 2/5 даҳаси, 16-уй, 68-хонадон З.Абдузоиров томонидан шахсий маблағлари ҳисобидан 4.300 АҚШ долларига сотиб олиниб, Тошкент шаҳрида доимий рўйхати бўлмаганлиги, Тошкент шаҳридан кўчмас мулк сотиб олиш ҳуқуқига эга эмаслиги сабабли оғзаки келишувга кўра, уйни қариндоши Ғ.Махмудовнинг номига расмийлаштирилганини исботлайди.

Бироқ, ушбу ҳолатда Ғ.Махмудовнинг ҳаракатларида аввалдан оғзаки шаклдаги битим келишув мажбуриятларини бажармаслик нияти, яъни кўрсатилган хонадонни З.Абдузоиров томонидан сотиб олинаётган вақтида эгаллаш қасди мавжуд бўлмагани кўринади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 11 октябрдаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 35-сонли Қарорининг 9-бандида, суриштирув, дастлабки тергов органлари ва судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, қонун талабларига мувофиқ тузилган битимлар, шартномаларга асосланган фуқаролик-ҳуқуқий



муносабатлардан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажармаслик ҳам, бундай ҳолда ўзгалар мулкани эгаллашда ҳуқуққа хилофлилик белгиси бўлмаганлиги туфайли фирибгарлик деб баҳоланиши мумкин эмаслиги, чунки мулк битим, шартнома бўйича бир тарафдан иккинчи тарафга, жумладан тарафлар учун ўзаро моддий манфаатни назарда тутувчи муайян шартлар билан берилиши, агар битим, шартнома шартлари бажарилмаса, қонунга кўра (ФК 2, 9, 24-боблари, ФПК II бўлимининг 2-кичик бўлими, ХПК 15-боби) бузилган ҳуқуқ фақат фуқаролик ишлари бўйича суд ёки иқтисодий суд томонидан тикланиши мумкин бўлиб, уларда мажбуриятлар ижросини таъминлаш учун етарли ҳуқуқий воситалар мавжудлиги, шу муносабат билан, қонун талабларига мувофиқ тузилган фуқаролик-ҳуқуқий битим, шартнома бўйича жиноят белгилари мавжуд бўлмаган барча ҳолларда, низо фуқаролик, иқтисодий ишлар бўйича суд томонидан кўриб чиқилиши лозимлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Мазкур ҳолатда, Ғ.Махмудовнинг ҳаракатларида З.Абдузоиров томонидан уни номига сотиб олинган хонадонни эгаллашга нисбатан қасд, ушбу хонадон сотиб олиниши жараёнида бўлмагани сабабли Ғ.Махмудовнинг ҳаракатлари фирибгарлик таркибини ташкил этмайди.

Шу билан бир қаторда, апелляция инстанция суди Ғ.Махмудовнинг юқорида кўрсатилган хонадонга нисбатан эгалик ҳуқуқини белгилаш қасди, ушбу хонадон З.Абдузоиров томонидан унинг номига ҳарид қилинган, яъни орадан маълум вақт ўтган пайдо бўлганлиги ҳолатини муҳокама қилиб, қўйидагиларни инобатга олади.

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 164-моддасида, мулк ҳуқуқи шахснинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборатлиги кўрсатилган.

Қонун мазмунига кўра, айбдорга ишониб топшириб қўйилган ёки унинг ихтиёрида турган мулк-мансаб вазифалари ёки шартномавий муносабатларга кўра ёхуд махсус топшириқ муносабати билан ўзганинг мулкани тасарруф қилиш, бошқариш, етказиб бериш ёки сақлаш бўйича қонуний ваколатларни амалга оширувчи шахснинг эгаллигида бўлган мулк ҳисобланиб, ўзлаштириш ёки растрата қилиш айбдор билан алоҳида жисмоний ёки юридик шахслар шартномавий муносабатлари асосида ҳам бўлиши мумкинлиги, шартномавий муносабатда айбдорга пудрат, ижара, комиссия, прокат, сақлаш шартномасида қайд этилган ва мулкни тасарруф этиш, бошқариш, элтиб бериш ёки сақлаш ваколати у ёки бу даражада юклатилган бўлиши мумкин. Объектив томондан ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилишда ифодаланган жиноят айбдорга ишониб топширилган товар моддий бойликларни олиб қўйиш ёки унинг устидан ноқонуний эгаликни ўрнатиб, ихтиёрида бўлган ўзганинг мулкани ўз фойдасига олиш ёхуд ўзгалар тасарруфига ўтказиш шаклидаги фаол ҳаракатларда ифодаланиб, талон-торожнинг ўзлаштириш шакли мулк ушлаб қолинган пайтдан эътиборан, яъни ўзганинг мулки гўё ўзиникидек ғайриқонуний эгалик қилиш ўрнатилган



пайтдан эътиборан тугалланган жиноят деб топилади.

Апелляция инстанция судида ишни кўриш давомида ҳамда жиноят ишида мавжуд далилларга кўра, юқорида кўрсатилган хонадон З.Абдузоиров томонидан сотиб олиниб, оғзаки битимга мувофиқ хонадон Ғ.Махмудовнинг номига расмийлаштирилган бўлса-да, З.Абдузоиров мазкур хонадонда ўз оиласи билан истиқомат қилиб келиб, унга эгалик қилиб келган. З.Абдузоиров томонидан хонадон Ғ.Махмудовга бирон-бир тарзда ишониб топширилмаган, Ғ.Махмудовда ушбу хонадондан фойдаланиш, уни бошқариш ёки тасарруф қилиш ваколати бўлмаган. Ўз навбатида, мазкур ҳолат Ғ.Махмудовни унга ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлган ўзганинг мулкани ўзлаштириш аломатлари бўйича жиноий жавобгарликка тортишни истисно этади.

Шунингдек, Ғ.Махмудов ва З.Абдузоировлар ўртасидаги низо 2016 йилдан бери давом этаётган бўлиб, шу кунга қадар фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан кўплаб қарорлар чиқарилиб, бекор қилинганлиги, 2016 йилдан бошлаб 2021 йилга қадар эса тергов органи томонидан бир неча маротаба жиноят ишини кўзғатиш рад қилинганлиги ҳолати бу эпизодлар фуқаролик судловига тегишли низо эканлигидан далолат беради.

Баён қилинганлар кўра, апелляция инстанция суди Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 23-моддаси талабларига риоя қилиб, Ғ.Махмудовнинг Қора-қамиш 2/5-16-68-хонадонни эгаллаш бўйича фирибгарлик, яъни алдаш ёки ишонччи суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани ёки ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқни кўлга киритишдан иборат айблов эпизодида унинг айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида ўз исботини топмади деб ҳисоблаб, мазкур эпизод бўйича жиноят ҳодисаси юз бермаганлиги ва ҳаракатларида жиноят таркиби йўқлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддасининг 1-қисми билан айбсиз деб топиб, Ўзбекистон Республикаси ЖПК 83-моддасининг 1, 2-бандларига асосан реабилитация қилишни лозим топади.

Апелляция инстанция суди, адвокат Ҳ.Каёмов томонидан апелляция шикоятда келтирган важларга ва судланган Ғ.Махмудовнинг А.Қодировни Россиядан юборган 3.500 АҚШ долларини олганлиги, бу пулларини ким юборганидан хабари йўқлиги, ушбу 3.500 АҚШ долларини Россия Федерациясидан кимнинг номидан келганини билмаслиги, банкда унга “сизни номингизга Россиядан пул келган” деб айтишганлиги, аммо кимнинг номидан келганлигини айтишмаганлиги ҳақидаги кўрсатувлари ва келтирган важларига Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95 ва 443-моддаларига асосан ҳуқуқий баҳо бериб, судланган Ғ.Махмудовнинг важлари содир қилган жиноятлари учун муқаррар бўлган жиноий жавобгарликдан қутилиб қолиш мақсадида ва жазони енгиллаштириш ниятида қилинган саъй-ҳаракат деб танқидий баҳолайди ва унинг важлари фуқаровий даъвогар А.Қодировнинг 2005 йилда Ғ.Махмудов “мевалар олиб келаман” деб, ундан 3.500 АҚШ доллари сўраганлиги, у Ғ.Махмудовга ишониб, банк орқали унга 3.500 АҚШ доллари юборганлиги, Ғ.Махмудов барча пулларни ўзи олган бўлса-да, кейинчалик пулни олганини инкор қила бошлаганлиги, шундан сўнг у банк



орқали юборилган пуллар текшириб аниқлангандан сўнг, Ғ.Махмудов у юборган пулларни тан олганлиги ҳақидаги кўрсатуви; банк сирини ташкил этувчи маълумотларни олиш тўғрисидаги қарори; ТИФ “Миллий банк” Тошкент шаҳар бошқармаси филиали Амалиёт бўлимининг 2020 йил 3 сентябрдаги 01-2336/07-сонли ҳатига илова қилинган пул маблағлари айланмаларига кўра, 2005 йил 5 август куни Ғ.Махмудов ТТ 0521700157-сонли буюртмага асосан юборилган 3.500 АҚШ долларини қабул қилиб олганлиги қайд этилганлиги ҳамда жиноят ишида тўпланган объектив далиллар мажмуи ва апелляция инстанциясида тўлиқ, холисона ва ҳар томонлама синчковлик билан текширилган далиллар билан тўлиқ инкор этилади.

Шунингдек, апелляция инстанция суди судланган Ғ.Махмудовнинг Қора-қамиш 2/5-16-68-хонадонни фирибгарлик йўли билан эгаллашдан иборат айблов эпизоди бўйича Ўзбекистон Республикаси ЖПК 83-моддасининг

1, 2-бандларига асосан реабилитация қилиниши муносабати билан А.Қодировнинг 3.500 АҚШ долларини фирибгарлик йўли билан кўлга киритиш эпизодини Ўзбекистон Республикаси ЖК (2001 йилдаги тахрир) 168-моддаси 2-қисмининг “б” бандидан ушбу модданинг 1-қисмига қайта квалификация қилишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 15-моддасига асосан ЖК 168-моддасининг 1-қисми ижтимоий хавфлилик даражасига кўра - ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар туркумига киради.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 64-моддаси 1-қисмининг “а” бандида, агар жиноят содир этилган кундан бошлаб ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этилган кундан бошлаб икки йил ўтиб кетган бўлса, шахс жавобгарликдан озод қилиниши, шунингдек ЖКнинг 64-моддаси 5-қисмида, агар ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этилган кундан бошлаб ўн йил, оғир ёки ўта оғир жиноят содир этилган кундан бошлаб йигирма беш йил ўтган бўлса, жавобгарликка тортиш муддати узилиши ёки тўхтатилишидан қатъий назар, шахс жавобгарликка тортилиши мумкин эмаслиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддаси 1-қисмининг 1-бандида, шахсни жавобгарликка тортиш муддати ўтган бўлса, унинг жиноят содир этилишида айблилиги тўғрисидаги масаласи ҳал қилмай туриб жиноят иши тугатилиши лозимлиги; ушбу модданинг 2-қисмига кўра, судланувчи талаб қилса, ишни юритиш умумий тартибда давом эттирилиши мумкинлиги, бундай ҳолларда ҳукм қилиш учун асослар мавжуд бўлса, айблов ҳукми жазо тайинланмасдан чиқарилиши, ЖПК 463-моддаси 3-қисмининг 2-бандига кўра, мазкур жиноят учун айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш муддати ўтиб кетган бўлса, суд жазо тайинламасдан айблов ҳукмини чиқариши кўрсатилган.

Юқоридагиларга кўра, апелляция инстанцияси суди Ўзбекистон Республикаси ЖК 64-моддаси 1-қисмининг “а” бандига мувофиқ Ғ.Махмудовга нисбатан содир этишда айбланган жиноятининг



жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлигини, судланувчи айбига иқроор бўлмаганлиги ва айблилик масаласини муҳокама қилмасдан туриб ишни тугатиш имкони бўлмаганлиги, шунингдек, ушбу инсонпарварлик Қонун нормасини қўлламаслик учун асослар мавжуд эмаслигини инобатга олиб, Ғ.Махмудовни Ўзбекистон Республикаси ЖПК 463-моддаси 3-қисмининг

2-бандига асосан тайинланиши мумкин бўлган жазодан озод қилишни лозим топади.

Шунингдек, апелляция инстанцияси суди, манфаатдор томонларга Тошкент шаҳар Олмазор тумани Қора-қамиш 2/5 даҳаси, 16-уй, 68-хонадон бўйича 2005 йил 5 августда нотариал тасдиқланган олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш ва эгалик ҳуқуқини белгилаш бўйича фуқаролик суд иш юритуви тартибида мурожаат қилиш ҳуқуқини тушунтиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497¹³, 497¹⁷, 497¹⁹, 497²⁵, 497²⁶, 497³¹-моддаларига амал қилиб, апелляция инстанцияси судлов хайъати

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Олмазор туман судининг 2021 йил 19 мартдаги **Махмудов Ғайрат Самандарович** (Махмудов Ғ'айрат Самандарович)га нисбатан чиқарилган ҳукми ўзгартирилсин.

Махмудов Ғайрат Самандарович (Махмудов Ғ'айрат Самандарович) (*Қора-қамиш 2/5 даҳаси, 16-уй, 68-хонадонни фирибгарлик йўли билан эгаллашдан иборат айблов эпизоди бўйича*) Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддасининг 1-қисми билан айбсиз деб топилсин ва Ўзбекистон Республикаси ЖПК 83-моддасининг 1, 2-бандларига асосан реабилитация қилинсин ҳамда мазкур эпизод бўйича юритилган жиноят иши тугатилсин.

Махмудов Ғайрат Самандаровичнинг (*А.Қодировнинг 3.500 АҚШ долларини қўлга киритиш эпизоди бўйича*) жинойий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК (2001 йилдаги таҳрир) 168-моддаси 2-қисмининг “б” бандидан ЖК 168-моддасининг 1-қисмига қайта квалификация қилинсин ва Ғ.Махмудов мазкур модда билан тайинланиши мумкин бўлган жазодан Ўзбекистон Республикаси ЖПК 463-моддаси 3-қисмининг 2-бандига асосан озод қилинсин.

Манфаатдор томонларга Тошкент шаҳар Олмазор тумани Қора-қамиш 2/5 даҳаси, 16-уй, 68-хонадон бўйича 2005 йил 5 августда нотариал тасдиқланган олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш ва эгалик ҳуқуқини белгилаш бўйича фуқаролик суд иш юритуви тартибида мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилсин.

Ҳукмнинг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилсин.

Апелляция шикоятни қисман қаноатлантирилсин.



Ажримдан норози тарафлар Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497³⁶-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий судига кассация тартибида шикоят беришга ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи судья:

М.Ахмедов

Ҳайъат судьялари:

Д.Дадаханова

Т.Турсунов

Маърузачи: Ахмедов Музаффар Махмуджанович

